

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

4.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

Абдушукуров Бахтиёр (Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети Ўзбек филологияси факультети декани,
филология фанлари доктори)
“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ВА “ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРЛАРИДАГИ АЙРИМ
ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ва Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарларида қўлланилган баъзи лексемалар таққослаб ўрганилган. Уларда ишлатилган лексик бирликлар ўрни билан кўк турк тил битиклари, XII–XIV аср уйғур ҳуқуқий ҳужжатлари ва Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк”, “Тафсир”, Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий”, Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”, Маҳмуд бин Али ас-Сарайининг “Наҳж ул-фародис”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” каби асарлар тили билан тарихий аспектда қиёсий таҳлил қилинган. Лексемаларда кечган фонетик ва семантик ўзгаришлар ҳамда уларнинг қўлланиши хусусида тегишли хулосалар чиқарилган.

Аннотация. В статье приводится сравнительный анализ некоторых лексем, использованных в произведениях Юсуфа Хос Хажиба «Кутадғу билиг» и Носируддина Рабгузи «Кисаси Рабзузи». А также использованные лексеммы сопоставляются и анализируются в синхронном аспекте с использованными лексемами в древнетюркских письменных памятниках, как куктюрк, в уйгурских правовых документах XII–XIV веков и в произведении Югнаки «Хибат ул-Хаккои». Сравняются с лексемами «Девани луготит турк» Махмуда Кошгари, «Гулистан бит-турк» Сайфи Сарайи, «Хусрав и Ширин» Кутба, Махмуда Сарайи «Нахж ул-фарадис», а также, с лексемами «Муҳаббатнаме» Хорезми. В заключении сделаны соответствующие выводы о фонетических и семантических изменениях в применении этих лексем.

Annotation. The article compares some of the lexemes used in the works of Yusuf Khos Khazhib “Kutadgu Bilig” and Nosiruddin Rabguzi “Kisashi Rabzuzi”. The place of the lexemes in them are comparatively analyzed in a synchronous aspect with the lexemes used in ancient Turkic written monuments, like kuktürk, with Uyghur legal documents of the XII–XIV centuries and in the work of Yugnaki “Hibat ul-Khakkoy”, “Devani Lugot Turk” by Mahmoud Koshgari, “Gulistan bit-Turk” by Sayfi Sarayi, “Khusrav and Shirin” by Kutb, “Nahzhul Faradis” by Mahmud Sarayi as well as with the lexemes of “Muhabbatname” by Kharezmi. At the end of the article, the relevant conclusions are made about the phonetic and semantic changes in the use of those lexemes.

Калим сўзлар: “Қутадғу билиг”, “Қисаси Рабғузий”, астропоним, этимология, туркий, арабча, форс-тожикча, синоним.

Ключевые слова: «Кутадғу билиг», Кисаси Рабгузи», астропоним, этимология, тюркский, арабский, персидско-таджикский, синоним.

Key words: “Kutadghu Bilig”, Kisasi Rabghuzi”, astroponym, etymology, Turkic, Arabic, Persian-Tajik, synonym.

Ўзбек тили туркий тиллар оиласига киради ва бу тил учун туркий тилларнинг негиз лексикаси қадимий асос ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзбек тили сўз бойлигининг қадимий ўз негизи, аслида, туркий тилларнинг ўзиники бўлган туб туркий сўзлардан иборат. Кўринадики, туб сўзни белгиловчи асосий мезон, биринчидан, бу сўзнинг генетик жиҳатдан ўша тилники эканлиги, иккинчидан, унинг қадимий даврларга оидлигидир.¹

Маълумки, Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари тилида истеъмолда бўлган туб туркий сўзларнинг тарихи кўҳна ёзма манбаларга бориб тақалади. Зеро, мазкур

¹ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Т., “Фан”, 1985, 135-бет.

ёдномалар умумхалқ тилининг муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этган бўлиб, халқнинг қадимги маданиятини акс эттирган. Улар орқали халқимиз тарихи ва тилимиз тараққиётига оид кўпгина қимматли маълумотларга эга бўламиз.¹ Шу нуқтаи назардан, қисса сўз бойлигини эски туркий тилнинг дастлабки ёдгорлиги – Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида қайд этилган лексик бирликлар билан қиёсий ўрганиш асардаги архаик сўзлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга кўмаклашади.

Буни куйида амалга оширилган қиёсий таҳлил жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

Ағин термини, дастлаб, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “соқов, тилсиз” маъносини англатган: *Nälük sözlämäs sen ağınteg bolup* – нима учун гапирмайсан сақовдек (ДТС,18). Атама “Қисаси Рабғузий”да ҳам зикр этилган семасида ишлатилган: *Taqi islāmāgnlār biri qarağu, ikkinçi sağır, üçünçi ağin...* (130v14). Айни пайтда, асарда мазкур сўзнинг **tilsiz** синоними ҳам кўзга ташланади: *Ul kündin berü siñäk tilsiz qaldı* (25v21). Демак, ушбу лексема XIV асрга келиб, ағиннинг маънодоши сифатида қўлланила бошланган.

“Кекса, чол” семасига эга **abuşqa** (НФ,1061) атамаси “Қутадғу билиг” достонида **awučqa** (ДТС,3), **awučğa** фонетик шаклларида қайд этилган: *Söküş boldi erkä awučğa atı* – авучқазаркаклар ўртасидаги муносабатда ҳақорат сўзи бўлди (ДТС,70). “Қисаси Рабғузий”да **abuşqa**, **abuşğa** шакллари мавжуд: *Tikän astında bir abuşqa kördüm yawlaq yiğlayur* (11v12); *...Bu abuşğağa oğullar karāmat qilğil* (78v1). Шу билан бирга, обидада бу сўзнинг **qarī**, **qart** синонимлари қўлланишда бўлган: *Qarilar durda, oğlanlar dabristānda munı oqurlar* (193r19); *Qaçan Dāvud anı kördi ersä ālimlarni qartlarni ündätı* (136v9). **Qarī** “Қутадғу билиг”да қайд этилган семада учрайди (ДТС, 426).

“Қутадғу билиг” асарида “рост, ҳақиқий, тўғри” маъносида келган **çin** лексемаси Рабғузий асарида айни семада ишлатилган: *Bilqis aydı: Sulaymān çin yalawaç ermiş* (149r17). Маҳмуд Кошғарий луғатида қайд этилган семада келган: *Çinaydın* (МК, I,326). Атама XIV аср Хоразм манбалари тилида ҳам ўзининг асл маъносида истемолда бўлган: *...Köz uçı birlä aydı kim ey çin mäh* (XIII, 4166). Обида сўз бойлигида лексеманинг туркий **köni**, форсий **rāst** ва арабча **haqiqat** синонимлари ҳам кўзга ташланади: *Hikmat ma'nisi köni bişig işlik bolur* (163v11); *Anı sınağayn tep bu işni qıldim, atam sözi rāst çıqtı* (164v8); *Haqiqat bildikim seni kim ersä körmäs ermiş* (121v18). **Köni** ва **haqiqat** лексемалари “Қутадғу билиг” мазкур маънода қўлланилган.

“Қадах, жом” тушунчаси “Қутадғу билиг”да **ayaq** (ДТС,27) истилоҳи билан ифодаланган. Рабғузийёдномасида **adaq**, **ayaq**, **ayağ** вариантлари учрайди: *Zaiflärni urğanlar İdi azza va jallanı āzārlağanlar adaq alğan...* (249r12); *Ul üzümni siqıp suwın ayaqğa salıp malikkä ayaq tuturdım* (88r14); *...Miñ sanliğ harir, idış ayağlar...* (148r18). Берлин тўпламидан жой олган уйғур ёзувидаги манбалар ҳамда XI аср ёдгорликларида **ayaq** варианты зикр этилган семани англатиш учун хизмат қилган: *Bu ayaqnıñ yaruqı bar* – бу қадахнинг ёриқи бор (ДТС, 27). Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Нахж ул-фародис” асарларида адақ, аyaq шакллари кўзга ташланади: *...Taqi xamr adaqı tutmaqđın tärk qıldı* (НФ,133a11); *Saqıkar elgi ham taldı ayaqđın* (XIII,4262). Ушбу сўз қадимги туркий тилдаги “ўйилган жой” маъносини билдирган **ağ** отининг **ay** шаклидан “кичик” семасини ифодаловчи **-(a)q** қўшимчаси билан ҳосил қилинган деган кўз караш йўқ эмас (ЎТЭЛ, 1,250). Айни пайтда, Рабғузий туркий **sağraq**, арабча **qadah** истилоҳларини мазкур лексемага синоним тарзида ишлатган: *Yusuf-nıñ ilgindä sağraq bar erdi* (94r11); *İki qadah keltürdilär* (198r15). Бу сўзлар Юсуф Хос Ҳожиб достонида кўзга ташланмайди.

“Қисаси Рабғузий”да **avuč** сўзи “ҳовуч, сиқим” маъносини ифодалаган: *Sāmiriyy ul tofraqdın bir avuč alib saqlamış erdi* (126r4). Лексема илк бор “Олтун ёруғ” ёдномасида адут шаклида қўлланилган: *Ayaça aš bermiş adutça suv tutmiş...* – бир кафт ҳажмича овқат, бир

¹ Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. Т., “Ўзбекистон”, 1994, 115-бет.

ховуч микдорида сув бермоқ(ДТС,14). Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида **avuč**: *Uqušsuz kiši avučča titik* – ақлсиз, нодон киши бир ҳовуч ахлатга ўхшайди (ДТС,70), **avut** (ДТС,71), Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида **avut** (I,111), **adut**: *Bir adut neḡ* (I,85) фонетик вариантлари кузатилади. “Тафсир” ва XIV аср Хоразм манбаларида **avuč** шакли қайд этилади: *Bir avuč ušaq taš tutdi taqi...yüziḡä atdi* (11561); *Bir avuč topraḡdīn yaratti* (XIII, 117613). Алишер Навоий асарларида атама “ховуч”, “чапак” маъноларида ишлатилган (НАЛ, 478). Бундан кўринадики, XV асрга келиб атаманинг маънолари кенгайган. Бу от қадимги туркий тилда “икки қўл шапалоғи билан олмоқ” маъносини англаган **abu-** феълидан **-č** қўшимчаси билан ясалган. Кейинчалик бу сўз таркибида қуйидаги товуш ўзгаришлари воқе бўлган: икки унли оралиғидаги **b** ундоши **v** ундошига алмашган: **abuč**>**avuč**. Ўзбек тилида атаманинг бошланишига **h** ундоши қўшилган: **avuč**>**havuč** (ЎТЭЛ,I,595).

Биринчи бор “Қутадғу билиг” асарида келтирилган **anuq** сўзи “тайёр” семасини билдирган: *Qayusi batardīn tapuḡči anuq* – улардан бири Ғарбдан, хизматчи бўлишга тайёр (ДТС,46). Атама XIV аср манбаларида ҳам илк маъносида ишлатилган: *Yol üčün azuq anuq etmäk keräk* (Г,17769). “Қисаси Рабғузий”да дериватив сўз айна маънода ўз аксини топган: *Anuq ton kiyip bulut köläḡäsindä turdilar* (118r19). Бу от “тайёрламоқ” маъносини англаган **anu-** (ДТС,46) феъли билан **-q** аффиксидан ясалган.

Рабғузий асарида “булбул” маъноси **sanduwač** зооними билан ифодаланган: *Lāla saḡraqīn ičärdä sayrar esrüb sanduwač* (68v3). Ушбу сўзни биринчи марта Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида **sandiwač**//**sanduwač** шаклларида келтириб ўтган: *Sariḡ sanduwač... sayradi* (ДТС, 484). “Девон”да **sanduwač** варианты учрайди: *Tatliḡ ötärsanduwač* – булбул ёқимли сайрайди (I, 481). Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарида **sanduwač** (53612), **zanduwaj** шаклари ифодаланган: *Körär kim taḡ üzrә xuš čečäklär açilmiš zanduwajlar qaršu sayrar* (14a6). Текширилаётган лексема кейинги давр манбаларида қайд этилмайди. Айна пайтда, “Қисаси Рабғузий”да лексеманинг арабча **bulbul** синоними ҳам кузатилади: *Qumri, bulbul tuqri bolib ün tüzär tün-kündüzi* (68v5). Бу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам мазкур маънода ишлатилади. Маълум бўладики, **bulbul** истилоҳи XIV асрда, даставвал, **sanduwač** зоонимига маънодош сифатида қўлланилган бўлса, сўнгра унинг ўрнини бутунлай эгаллаган.

“Оёқни чалиштириб ўтириш” семасига эга **baḡdaš** лексемаси, дастлаб, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида қўлланилган: *Yana baḡdaš ilmä yanīḡ yatmaḡil* – яна оёқини чалиштириб ўтирмагил, ёнбош ётмагил (ДТС,76). Бу сўз “Қисаси Рабғузий”да ўз маъносини сақлаб қолган: *...körär bir qaba saqallīḡ baḡdaš qilip olturur* (18v17). Бизнингча, мазкур от кўпмаъноли **baḡ** лексемасининг “кишан, банд” (ДТС,77) маъноси билан **-daš** қўшимчасидан ҳосил бўлган.

Рабғузий **čerig** сўзини “қўшин, лашкар” маъносида қўллаган: *Barḡil Namrudḡa ayḡil sančušur köḡüllük bar ersä, čerig anutḡi* (44v2). Мазкур атама дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қайд этилган: *Yüräksiz kišilar čerig artatur* – йураксиз (қўрқоқ) кишилар қўшинни заифлаштиради (ДТС,144). “Девон”да **čarik** “уруш сафи”, “ҳар нарсанинг рўпараси, вақти”(ўғузча) маъноларини англаган: *Alpčärikdä, bilḡä tirikdä* – ботир жанг алангасида синалади, доно мажлисда (I,369). Лексема XIV аср Хоразм манбаларида ўзининг асл маъносида қўлланилган: *Muhammad qalin čerig birlä keldi* (НФ, 20611). Айна пайтда, ушбу атама қиссада сифат ясовчи **-lik/-lig** аффикси билан бирикиб, янги сўз ясаган: *Tektä biri on miḡ čeriglig boldilar* (107v20). Айрим манбаларда бу сўзнинг санскрит тилидан ўзлашганлиги қайд этилади (ДТС,144; ЎТИЛ,IV,475; ЎАТЛТ,20). Бироқ бу масалага Махмуд Кошғарийнинг қуйидаги фикрлари ойдинлик киритади деган умиддамиз: *čär – рўпара(ўғузча): Aniḡ äwi bu čärlīkdä* – унинг уйи бу нарсанинг рўпарасидадир. *Икки аскар сафига ҳамчäрик дейдилар. Чунки улар ҳам бир-бирига рўпара турадилар* (I,312 – 313). Бундан ташқари, “Қисаси Рабғузий” асарида ўрганилаётган лексеманинг форсий **läš-**

kär (XIII,8062; Г,48a10) синоними ҳам учрайди: *Qaçan Yusuf läşkəri birlä paydä boldi qarabaşi Zulayhāğa xabar qildi* (108v7). Ўзлашманинг XIV аср ёдномаларида кўзга ташланиши унинг кейинги давр маҳсули эканлигини билдиради.

“Чақмоқ” (Мн.,30167) маъносини англатган **yašin** сўзи, дастлаб, Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида учрайди: *Yaşin yaşnadī* – чақмоқ чақди (ДТС,246). Атаманинг кейинги даврда ҳам ўз маъносини давом эттирганлигини “Қисаси Рабғузий” асарида кўриш мумкин: *Yaşin yaşnadī fariştalār ün kötürdilār* (121r4). Бу от қадимги туркий тилдаги “ярақламоқ” маъносини англатган **yaši-** феъли билан **-n** қўшимчадан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, 1,147).

Teyiñ зооними Билга хоқон битигтоши ва “Қутадғу билиг” достонида “олмахон” маъносида кўзга ташланади: *Ağī čuz teyiñ kiş alirsän terip* – олмахон, сувсар териси каби қимматбаҳо газламалар йиғиш (ДТС, 549). “Қисаси Рабғузий”да **tiyiñ** варианты истифода этилган: *Yerdä yügrüp juft alişur ās, tiyiñ, kiş, qunduzi* (68v4). Алишер Навоий асарларида тийин шакли “олмахон” ҳамда “олмахон терисидан тикилган пўстин” семаларини ифода-лаш учун хизмат қилган (АНАТИЛ, III, 224). Кўринадики, зоонимда маъно ўзгариши кейинги даврларда, яъни эски ўзбек адабий тилида юз берган.

Турфон матнлари, Қорахонийлар даври обидалари ҳамда XIV аср Хоразм ёдномаларида **egin** сўзи “елка” маъносини билдирган: *Köküz eginkä tegi* – кўкраги ва елкасига қадар; *Emgäk egindä qalmas* (ДТС,166); ...*Buyurdi beklār egnidä kötürdi* (XIII,112a4). “Тафсир”да **ägin** шакли ишлатилган: *Baltani kötürüp burxanlarin uluğinañ ägni üzä qoydi* (38,27). Лексема Рабғузий қисасида ўзининг асл семасида қўлланилган: *Bu onağu egin birlä tamni tebrättilār* (64w5). Профессор Ш.Раҳматуллаев атама қадимги туркий тилдаги “юқоридан пастга қайирмоқ” маъносини англатган **en-** феълининг **eg-** шаклидан **-(i)n** қўшимчаси орқали ясалган деган фикрни илгари суради (ЎТЭЛ, 1, 460).

“Қисаси Рабғузий” асари луғат таркибида “ойна” семаси **közü** сўзи орқали ифодаланган: *Ul ewni közgüdek yaruq qildi va türlük naqşlar birlä bezädi* (80v8). Лексика, дастлаб, “Олтун ёруғ” ёдномасида **közünü** шаклида учрайди: *Közününiñ suwnuñ yetä öñi adirmaqi yoq* – ойна билан сув ўртасида унчалик фарқ йўқ (ДТС,321). “Қутадғу билиг” ва «Ҳибатул-хақойиқ» дostonларида **közñü**, **közü** фонетик шакллари қайд этилган: *Bağirsaq kişi öz-kä közñü bolur* – меҳрибон киши бошқалар учун ойна (ДТС,321). Бу сўз қадимги туркий тилдаги “қарамоқ” маъносини англатган **köz-** феълининг “ўзлик” семасини билдирувчи **-(ü)n** қўшимчасини олган шаклидан **-gü** қўшимчаси билан ясалган; дастлаб, **ng** ундошлари бир **n** ундошига бирлашган, сўнгра иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик ўзбек тилида **ñ** ундоши **g** ундошига алмашган, **ö**, **ü** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **köz-** + **ün-közün-**+**gü-özüngü**>**közünü**>**közñü**>**közü**>**kozgu** (ЎТЭЛ, I, 222).

“Кўр, сўқир” маъносига эга **qarağu** сўзи биринчи бор Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида қўлланилган: ...*Qarağu yorup yazsa sökmä ani* – сўқир киши йўлдан адашса, уни сўкма (ДТС,424). Лексема “Тафсир” ҳамда ўрганилаётган ёдгорликда айни семада ишлатилган: *Qarağu közsiz* (2565); *Közlari körmaz qarağu ham tili anin ağin* (39r8). Шунингдек, “Қисаси Рабғузий”да атаманинг **közsüz** синонимига ҳам дуч келамиз: *Bir oğli boldi közsüz* (17r14). Ушбу лексемалар этимологияси хусусида шуни айтиш мумкинки, **qara-ğu** атамаси “қарамоқ” маъносидаги **qara-** феъли билан **-ğu** қўшимчасидан, **közsüz** сўзи эса “кўз” маъносидаги **köz** оти ёрдамида **-süz** аффиксидан ясалган.

Айтиш жоизки, мазкур обидалар турли давр ва шароитларда яратилган. Шу боис тилда ўзгаришлар юз бергани, табиий. Чунки бу вақт мобайнида тил ўзининг тараққиёт қонуниятларига мувофиқ фонетик, лексик, морфологик, синтактик жиҳатдан ўзгаришга учраган, такомиллашган, бойиган. “Қисаси Рабғузий” асари лексикаси бўйича олиб борган кузатишларимиз ёдномалар тили билан “Қутадғу билиг” ёдномаси ўртасида яқинлик ва баъзи фарқлар борлигини, лекин бу уларни бир-биридан айирувчи эмас, балки яқинлигини ифодаловчи тафовутлар эканини кўрсатди.

Манбалар:

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I–IV т., Э.Фозилов таҳрири остида. Т., “Фан”, 1983.

Г– Сайфи Сарайи. Гулистан бит-турки. Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I–II, Т., “Фан”, 1966 – 1971.

ДТС – Древнетюркский словарь. Л., “Наука”, 1969, 676 с.

ИРТЛЯ – Историческое развитие лексики тюркских языков. М., изд-во АН СССР, 1961, 467 с.

МК – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. I–III, Т., “Фан”, 1960–1963.

Мн – Хоразми. Мухаббат-наме. Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I–II, Т., “Фан”, 1966 – 1971.

НАЛ – Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари луғати. Т., Адабиёт ва санъат, 1972.

НФ – Наҳдж ул-фарadis. Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I–II, Т., “Фан”, 1966–1971.

Тафсир – Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тefsира XII – XIII. вв. М., Изд-во восточной лит-ры, 1963.

XIII – Кутб. Хосрав и Ширин. Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I–II, Т., “Фан”, 1966 – 1971.

ЭСС – 1) Севортян Э. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на гласные. М., “Наука”, 1974, 767 с.

2) Севортян Э. Общетюркские и межтюркские основы на букву «Б». М., “Наука”, 1978, 349 с.

3) Севортян Э. Общетюркские и межтюркские основы на букву «В», «Г», «Д». М., “Наука”, 1980, 388 с.

4) Севортян Э., Левитская Л. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на букву “Ж”, “Й”. М., “Наука”, 1989, 365 с.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I–V, Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 – 2008.

ЎТЭЛ – 1) Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). Т., “Университет”, 2000, 599 б.

2) Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). Т., “Университет”, 2001, 599 б.

3) Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. III (форсча-тожикча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). Т., “Университет”, 2009, 284 б.

Аллаёров Тўлқин Рўзиқулович (самостоятельный соискатель)

ТГУУЯЛ имени Алишера Навои)

ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ И ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИМПЕРАТИВНЫХ КОНСТРУКЦИЙ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Аннотация. Мақолада императивларнинг лексик-семантик ва лингвопоэтик табиати ҳақида фикр юритилади. Императивлар миллий тафаккур тарзига алоқадор конструкциялар бўлиб, қадимги ёдгорликларда давлатчилик ва бошқарув тизимининг қай даражада ташиқилланганлигини кўрсатувчи муҳим воситалар ҳисобланади. Замонавий бадиий асарларда қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштириш, воқеликни таъсирчан, эмоционал-экспрессив ифодалаш учун императивлардан кенг фойдаланилади. Чўлпоннинг “Новвой қиз” ҳикоясида императивларнинг тўлиқ, тўлиқсиз ва расмий нутққа хосланган шакллари моҳирона ишлатилган.